

**ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАРИ ЯЛПИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШИНИ ҲИСОБЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ НИЗОМ**

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш бўйича Услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом), иқтисодиётнинг аграр тармоғи муҳим индикаторларидан бири ҳисобланадиган ва Ўзбекистон Республикаси, унинг ҳудудлари асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини шакллантириш учун фойдаланиладиган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши тўғрисидаги статистик ахборотларнинг шаклланиш тартибини белгилайди.

Ушбу низом Давлат статистика органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (ИФУТ-2)нинг А секцияси “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги” бўйича жорий ва таққослама нархларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини чораклик ва йиллик ҳисоблашларни дискрет чораклар асосида йил бошидан ўсиб боровчи якунда ўтказишда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Мазкур Услубий низомни ишлаб чиқишда, Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) тавсияларидан, шунингдек, МДҲ давлатлари тажрибаларидан фойдаланилган.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши ҳисоблашларини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган “Давлат статистика ишлари дастури” ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш республика ва ҳудудий даражада тегишли йил учун “Давлат статистика ишлари дастури”да ва “Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури”да белгиланган муддатларда амалга оширилади.

2. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги фаолиятини умумлаштирилган ҳолда тавсифлаш учун ўзаро боғлиқ бўлган натура ва қиймат кўрсаткичлари тизимидан фойдаланилади.

Кўрсаткичлар тизимида асосий ўринни, қишлоқ хўжалиги статистикасида маҳсулотларнинг аниқ турлари етиштирилишини тавсифлаш учун фойдаланиладиган натура кўрсаткичлари эгаллайди. Лекин, бу кўрсаткичлар ҳар хил турдаги маҳсулотлар бўйича жамланма натижаларни олиш имкониятини бермайди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги фаолиятининг жамланма тавсифи, соҳа фаолиятининг жамланма якуний натижаларини олишга имкон берадиган ҳар хил турдаги маҳсулотларнинг таққосланишини таъминлайдиган қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилган ҳолдагина мумкин бўлади.

Қишлоқ хўжалиги статистикасида асосий жамланма қиймат кўрсаткичи қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши ҳисобланади.

3. Мазкур услубий низомда қуйидаги муҳим тушунчалар қўлланилади:

қишлоқ хўжалиги — деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан боғлиқ бўлган соҳа;

деҳқончилик — қишлоқ хўжалиги экинларини ўстириш ва етиштириш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси. Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш бир - икки ва кўп йиллик экинларни, шунингдек, уруғлик ва кўчат материалларини ўстириш ва етиштиришни ўз ичига олади;

чорвачилик — қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, паррандалари, асаларилари ва ипак қуртини ўстириш ва урчитиш билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалиги соҳаси;

ўрмон хўжалиги — фаолият тури ўрмон ресурсларини такрор ишлаб чиқариш ва ўрмон ресурсларидан фойдаланиш, хусусан ўрмончилик, ўрмонзорларни барпо этиш ва ёғочни қайта ишлаш тармоқлари учун бинокорлик думалоқ ёғочларини етиштириш, шунингдек, ёввойи ҳолда

ўсувчи ўрмон маҳсулотларини йиғиш билан боғлиқ бўлган соҳа. Ўрмон хўжалиги фаолияти табиий ўрмонлар ёки сунъий ўрмонзорлар доирасида амалга оширилади;

ўрмончилик ва ўрмонзорларни барпо этиш – иморатбоп ёғоч-тахта ўрмон дарахтларини ўтқазиш, қайта ўтқазиш, кўчириб ўтқазиш, шунингдек, ёқилғи ёғочларни қўшган ҳолда, новдадан ўтқазилган ёш ўрмонларни ўстириш, ўрмон ва ўрмоннинг дарахт кесиш учун ажратилган участкасини сийраклаштириш ва муҳофаза қилиш билан боғлиқ бўлган ўрмон хўжалиги фаолияти соҳаси. Ўрмончилик фаолияти, шунингдек ўрмон дарахтлари кўчатларини кўпайтириш ва уларни парвариш қилиш билан ҳам боғлиқ;

ёғоч тайёрлаш – ёғочни қайта ишлаш тармоғи учун думалок бинокорлик ёғочларини етиштириш, шунингдек, ёқилғи ёғоч - ёғоч кўмир, ёғоч парчалари ва бошқаларни йиғиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ўрмон хўжалиги фаолияти тури;

ёғоч бўлмаган ўрмон маҳсулотлари – ўрмон хўжаликлари томонидан одамлар ёки ҳайвонлар учун озиқ-овқат, шунингдек, бошқа фойдаланиш мақсадларида доривор ёки косметик ўсимликлар сифатида етиштириладиган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар гуруҳи;

балиқчилик хўжалиги – балиқ овлаш ва сув биоресурсларини, аквакултурани сақлаш, сув биоресурсларидан олинадиган балиқ ва бошқа маҳсулотларни етиштириш ва сотиш бўйича фаолият тури;

қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларини, ипак қуртини, балиқларни сақлаш ва кўпайтириш, ёғоч, ёғоч бўлмаган ёввойи ҳолда ўсувчи ўрмон хўжалиги маҳсулотларни олиш, сув организмларини овлашни ўз ичига олади;

қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – соҳада ўз истеъмоли ва сотиш учун яратилган маҳсулот ва хизматларнинг умумий қиймати. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, овчилик хўжалигида, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакултура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати асосида шакллантирилади;

деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши – деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик

махсулотлари, шунингдек, ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар қийматларининг умумий йиғиндисини ўзида ифодалайди;

етиштирилган деҳқончилик маҳсулотларининг қиймати – жорий йил ҳосилидан олинган барча қишлоқ хўжалиги экинларининг дон, техник экинлар, картошка, сабзавотлар ва полиз экинлари, мевалар ва резаворлар, узум, озуқа экинлари, уруғлик ва ўтқазиладиган кўчат материаллари, шунингдек, деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш, деҳқончиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари қийматларини ўз ичига олади;

деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари – келгуси йил ҳосили учун жорий йил харажатларини, ерларга ишлов бериш ва ерларни шудгор қилиш бўйича хизматларни, кузги экинларни экиш учун ерларни тайёрлаш, кўп йиллик дарахтларни ўтқозиш ва хўжаликда фойдаланиш ёшигача ўстириш харажатларини ўз ичига олади;

ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотларининг қиймати – қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, ипак қуртини ўстириш натижасида олинган маҳсулотлар (гўшт, сут, тухум, жун, қорақўл, асал, пилла, мўйна, шунингдек, чорвачиликнинг бошқа турдаги маҳсулотлари) қийматларини ўз ичига олади.

Чорвачилик маҳсулотларини етиштириш харажатлари йил давомида бир маромда амалга оширилади ва чорвачиликнинг ҳисобот йилидаги барча харажатлари, одатда жорий йил маҳсулотлари таннархи таркибига қўшилади, шунинг учун аралаш йиллар харажатларининг ҳисобида улар тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ажратилмайди;

деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматлар қиймати – ҳосилни йиғиб олиш, ерларни яхшилаш бўйича хизматлар, тупроқни кимёлаштириш, ўғитларни тайёрлаш ва солиш бўйича хизматлар, қишлоқ хўжалиги экинларини касалликлардан ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш бўйича хизматлар, агромилиоратив ишларни ўтқозиш бўйича хизматлар, сув хўжалиги ташкилотларининг ирригацион ва мелиоратив тизимларни эксплуатация қилиш бўйича хизматлари, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, паррандаларини, асалариларни, ипак қуртини кўпайтириш бўйича қўшимча хизматлар, қишлоқ хўжалигига зоотехния хизмати кўрсатиш ва бошқалар қийматини ўз ичига олади;

жорий нархлар – кўриб чиқиладиган даврда амал қиладиган нархлар;

таққослама нархлар – турли даврлар учун маҳсулот ишлаб етиштиришнинг физик ҳажмини қиймат кўринишида таққослашда шартли

равишда база сифатида қабул қилинадиган маълум бир йил ёки давр нархлари;

экстраполяция – жорий нархлардаги базис давр маълумотларини физик ҳажм индексига ёки тегишли иқтисодий кўрсаткичлар динамикасини акс эттирувчи натурал индикаторга кўпайтириш.

II БОБ. ИФУТ-2, А СЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАРИ ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШИНИ ЙИЛ БОШИДАН ЎСИБ БОРУВЧИ ЯКУНДА ҲИСОБЛАШ

4. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичига (ИФУТ-2) мувофиқ, А секция “Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги” 3 та бўлимдан, яъни, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш (01 бўлим), ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш (02 бўлим), балиқ овлаш ва аквакултурадан (03 бўлим) ташкил топган.

5. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришининг қиймат кўринишидаги ҳажми, барча ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштирилган деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, ўрмончилик ва балиқчилик маҳсулот (хизмат)лари йиғиндиси сифатида шаклланади.

6. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш жорий ва таққослама нархларда чораклик асосда тезкор маълумотлар бўйича (жорий ҳисоблашлар) ва йиллик асосда якуний маълумотлар бўйича (йиллик ҳисоблашлар) амалга оширилади. Ҳисоблаш йил бошидан ўсиб боровчи якунда амалга оширилади.

7. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари тоифалари, шу жумладан фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва бошқалар даражасида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида, туманлар ва шаҳарлар бўйича, шунингдек, маҳсулот турлари бўйича амалга оширилади. Шундан сўнг, олинган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси бўйича яхлит ҳолда умумлаштирилади.

1-§. Маҳсулотларнинг физик ҳажмини аниқлаш

8. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш маҳсулотларнинг физик ҳажмини аниқлашдан бошланади. Ҳисоблаш учун маҳсулот етиштиришнинг физик ҳажми барча ишлаб чиқарувчилар томонидан яратилган деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари, хизматлар сифатида шакллантирилади (1-илова).

9. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмлари маҳсулот турлари бўйича физик ўлчов бирлиги (тонна, дона)да ҳисобга олинади (1-2-ва 3-иловалар).

10. Ишлаб чиқаришнинг физик ҳажмига ишлаб чиқариш жараёни натижасида етиштирилган барча маҳсулотлар, жумладан ишлаб чиқарувчилар томонидан ўз шахсий истеъмоли учун фойдаланилган маҳсулотлар ҳажми киритилади.

11. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини етиштиришнинг физик ҳажмларини аниқлаш учун ахборот манбалари бўлиб, VII БОБда келтирилган манбалар хизмат қилади.

12. Маҳсулотларнинг физик ҳажми аниқланганидан сўнг уларни қиймат кўринишида баҳолаш амалга оширилади.

§ 2. ИФУТ-2, А секциянинг 01 бўлими бўйича деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини жорий нархларда ҳисоблаш

13. Етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қийматларини амалдаги, жорий нархларда ҳисоблаш, ҳисобот даврида етиштирилган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини уларнинг ўртача сотиш нархлари бўйича тўғридан-тўғри баҳолаш йўли билан, маҳсулот турлари ва ҳар бир қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари тоифалари бўйича алоҳида қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилади, бунда, етиштирилган маҳсулотнинг физик ҳажми унинг ўртача сотиш нархига кўпайтирилади (2-илова):

$$S_{i1} = k_{i1} \times p_{i1},$$

бу ерда, S_{i1} – етиштирилган i -турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг жорий нархлардаги қиймати;

k_{i1} – ҳисобот даврида етиштирилган i -турдаги маҳсулотнинг физик ҳажми;

p_{i1} – i -турдаги маҳсулотнинг ҳисобот давридаги ўртача сотиш нархи;

Масалан, ҳисобот даврида йил бошидан 100 тонна дон экинлари етиштирилган, унинг 1 тоннасининг жорий нархлардаги сотиш нархи 200 минг сўмни ташкил қилади.

$$S_{i1} = 100 \times 200000 / 1000000 = 20 \text{ млн. сўм.}$$

Демак, ҳисоблаш яқунларига кўра, дон экинларининг жорий нархлардаги қиймати баҳолашга кўра 20 млн. сўмни ташкил қилади.

14. Бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қийматлари ҳам шу каби ҳисобланади ва ҳар бир маҳсулот (i) тури бўйича олинган маълумотлар жами деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қиймати сифатида жамланади.

15. Шундай қилиб, жами деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қийматларини ҳисоблашни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$S_{\text{жор. деҳ/чор.}} = \sum_{i=1}^n (k_{i1} \times p_{i1}),$$

бу ерда, $S_{\text{жор. деҳ/чор.}}$ – етиштирилган жами деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жорий нархлардаги қиймати;

k_{i1} – етиштирилган i турдаги маҳсулотнинг физик ҳажми;

p_{i1} – i турдаги маҳсулотнинг ҳисобот давридаги ўртача сотиш нархи;

16. Ҳисоблашда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари асосий ва бошқа турлар бўйича гуруҳланади.

Асосий турдаги маҳсулотлар – озиқ-овқат маҳсулотларини ва қайта ишлаш тармоқлари учун қишлоқ хўжалиги хом-ашёсини етиштириш бўйича катта аҳамиятга эга бўлган маҳсулот турлари.

Бошқа турдаги маҳсулотлар – аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва қайта ишлаш тармоқлари учун қишлоқ хўжалиги хом-ашёси сифатида кам аҳамиятга эга бўлган маҳсулот турлари.

17. Деҳқончиликда асосий турдаги маҳсулотларга дон экинлари, пахта хом-ашёси, картошка, сабзавот ва полиз экинлари, мевалар, резаворлар ва узум, чорвачиликда эса – тирик вазнда гўшт, сут, тухум, асал, жун, қорақўл тери ва пилла етиштириш киради.

18. Дехқончиликда бошқа турдаги маҳсулотларга тамаки, доривор экинлар, каноп, қанд лавлаги, кунгабоқар, соя, кунжут, махсар, ерёнғоқ, сабзавот кўчатлари, сабзавот ва полиз экинлари уруғлари, гуллар, гул кўчатлари, похол, сомон, дон экинлари пояси, тут барги, ғўзапоя етиштириш, шунингдек, кўп йиллик ёш кўчатларни ўстириш ва тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари киради (4-илова).

19. Чорвачиликда бошқа турдаги маҳсулотларга етиштирилган асалари муми, гул чанги, она асалари сути, прополис, асалари захри, асалари уялари, ипак курти тухуми (грена), мўйнали ҳайвонлар маҳсулотларини, пар, пат, гўнг, ахлат, шунингдек, олинган насл, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг спермаси (маний) ва эмбрионлари қиймати киради (4-илова).

20. Дехқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати келгуси йил ҳосили учун жорий йилнинг кузида экилган кузги экинларнинг турлари бўйича 1 гектарига бўлган харажатларни уларнинг жами экин майдонига кўпайтириш йўли билан қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$N_{\text{деҳ.}} = z_{\text{куз.жор.}} \times p_{l_{\text{куз.жор.}}}$$

бу ерда, $N_{\text{деҳ.}}$ – дехқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати;

$z_{\text{куз.жор.}}$ – келгуси йил ҳосили учун жорий йилнинг кузида экилган кузги экинларнинг 1 гектарига бўлган харажатлар;

$p_{l_{\text{куз.жор.}}}$ – келгуси йил ҳосили учун жорий йилнинг кузида экилган кузги экинларнинг умумий майдони.

21. Ҳисоблашда олдин асосий турдаги дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қийматлари аниқланади, кейин уларга юқорида 13 ва 15-бандлардаги формула бўйича ҳисобланган бошқа турдаги маҳсулотлар қийматлари қўшилади.

22. Дехқончилик ва чорвачилик соҳасида кўрсатилган хизматлар қийматларини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

$$S_{\text{хиз. деҳ./чор.}} = S_{\text{хиз. бозор.}} + S_{\text{хиз.нобозор.}}$$

бу ерда, $S_{\text{хиз. деҳ./чор.}}$ – дехқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматлар қийматлари;

$S_{\text{хиз. бозор.}}$ – бозор хизмати қийматлари;

$S_{\text{хиз.нобозор.}}$ – давлат бюджети маблағларидан молиялаштириладиган нобозор хизмати қийматлари.

23. Шундай қилиб, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблашни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$Vv_{\text{деҳ./чор.}} = (S_{\text{деҳ.}} + N_{\text{деҳ.}}) + S_{\text{чор.}} + S_{\text{хиз.деҳ./чор.}},$$

бу ерда, $Vv_{\text{деҳ./чор.}}$ – деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши;

$S_{\text{деҳ.}}$ – деҳқончилик маҳсулотлари қиймати;

$N_{\text{деҳ.}}$ – деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари;

$S_{\text{чор.}}$ – чорвачилик маҳсулотлари қиймати;

$S_{\text{хиз.деҳ./чор.}}$ – деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматлар қиймати.

24. Ов хўжалигида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати ов натижасида олинган ёввойи ва йиртқич ҳайвонлар қийматларини, ёввойи ҳайвонларни муҳофаза қилиш, уларнинг сонини ҳисобга олиш ва жойлаштириш, овчиликни ташкил этиш ва ов иқтисодий кузатувлари, овчилик ҳамда ёввойи ҳайвонлар ва йиртқич ҳайвонларни овлаш ва кўпайтириш соҳасида кўрсатилган хизматлар қийматлари каби овчилик хўжалигини юритиш харажатларини ўз ичига олади.

25. А секция 01 бўлим бўйича, деҳқончилик, чорвачилик ва овчилик соҳаси маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини жорий нархларда якуний ҳисоблашни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$Vv_{01\text{сек. А}} = Vv_{\text{деҳ./чор.}} + S_{\text{ов.}},$$

бу ерда, $Vv_{01\text{сек. А}}$ – А секция 01 бўлим, деҳқончилик, чорвачилик ва ов соҳасидаги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши;

$Vv_{\text{деҳ./чор.}}$ – деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши;

$S_{\text{ов.}}$ – ов хўжалигида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лари қиймати.

§ 3. ИФУТ-2, А секциясининг 02 бўлими бўйича ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасида маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини жорий нархларда ҳисоблаш

26. Ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати, асосий фойдаланиш учун кесиш пайтида тайёрланган ўтинлар ва ўрмонларни парвариш қилиш, кесиш, ўрмон дарахтларини

реконструкция қилиш ва танланма санитария кесиш, ўрмонларни ўстириш, ўрмонларни қайта тиклаш ва ўрмон хўжалигини юритиш харажатлари, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш билан боғлиқ кўрсатилган техник хизматларнинг жорий нархлардаги қийматларини ўз ичига олади.

27. Ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қийматларига давлат бюджетини бажариш тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари бўйича ҳисобланган нобозор хизматлари ҳажми ҳам қўшилади.

**§ 4. ИФУТ-2, А секциянинг 03 бўлими бўйича балиқ овлаш
ва аквакултура соҳасида маҳсулот (хизмат)лари ялпи
ишлаб чиқаришини жорий нархларда ҳисоблаш**

28. Балиқ овлаш ва аквакултура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қиймати овланган балиқлар, олинган денгиз маҳсулотлари қийматларини, денгиз ва дарё организмларини ва ўсимликларини кўпайтириш харажатларини, шунингдек, балиқ овлаш ва балиқчилик билан боғлиқ бўлган хизматларнинг жорий нархлардаги қийматларини ўз ичига олади.

**§ 5. А секция бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини жорий
нархларда якуний ҳисоблаш**

29. А секция бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини жорий нархларда якуний ҳисоблашни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$Vv_{\text{сек. А}} = Vv_{01 \text{ сек. А}} + Vv_{02 \text{ сек. А}} + Vv_{03 \text{ сек. А}},$$

бу ерда, $Vv_{\text{сек. А}}$ — қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши;

$Vv_{01 \text{ сек. А}}$ — А секциянинг 01 бўлими, деҳқончилик, чорвачилик ва ов соҳасидаги маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқариши;

$Vv_{02 \text{ сек. А}}$ — А секциянинг 02 бўлими, ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасидаги маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқариши;

$Vv_{03 \text{ сек. А}}$ — А секциянинг 03 бўлими, балиқ овлаш ва аквакултура соҳасидаги маҳсулот (хизмат)лар ялпи ишлаб чиқариши.

30. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини жорий нархларда ҳисоблаш схемаси Услубий низомнинг 2-иловасида кўрсатилган.

§ 6. ИФУТ-2, А секцияси бўйича қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини таққослама нархларда ҳисоблаш, физик ҳажм индексини аниқлаш

31. Жорий нархларда баҳолаш қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида етиштирилган маҳсулотлар физик ҳажмининг ўзгаришини тўғридан тўғри баҳолашга имкон бермайди.

32. Шу мақсадда, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги соҳасида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмини таққослама нархларда баҳолаш амалга оширилади.

33. Таққослама нархларда компонентларни баҳолашнинг асосий усули тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули ҳисобланади.

Кўрсаткичларни таққослама нархларда тўғридан тўғри қайта баҳолаш усулида, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши, маҳсулот турлари ва ҳар бир ишлаб чиқарувчилар тоифаси бўйича алоҳида, ҳисобот даврида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмини мос равишда ўтган йил нархларига кўпайтириш йўли билан қуйидаги формуладан фойдаланган ҳолда ҳисобланади:

$$S_{i. \text{ таққос. }} = k_{i1} \times p_{i0},$$

бу ерда, $S_{i. \text{ таққос. }}$ — етиштирилган i -турдаги маҳсулотнинг таққослама нархлардаги қиймати;

k_{i1} — ҳисобот даврида етиштирилган i -турдаги маҳсулотнинг физик ҳажми;

p_{i0} — i -турдаги маҳсулотнинг ўтган йилнинг ҳисобот давридаги ўртача сотиш нархи, яъни таққослама нарх.

Масалан, ҳисобот даврида йил бошидан 100 тонна дон экинлари етиштирилган, унинг 1 тоннаси учун ўртача таққослама нархлардаги сотиш нархи 150 минг сўмни ташкил қилади:

$$S_{i. \text{ таққос. }} = 100 \times 150000 / 1000000 = 15 \text{ млн. сўм.}$$

Демак, ҳисоблаш якунига кўра, дон экинларининг таққослама нархлардаги қиймати баҳолашга кўра 15 млн. сўмни ташкил қилади.

34. Бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қийматлари ҳам шу каби ҳисобланади ва унинг ҳар бир тури бўйича олинган маълумотлар жами деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қиймати сифатида жамланади.

35. Шундай қилиб, жами деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қийматини ҳисоблашни қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$S_{\text{таккос. дех./чор.}} = \sum_{i=1}^n (k_{i1} \times p_{i0}),$$

бу ерда, $S_{\text{таккос. дех./чор.}}$ – етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг таққослама нархлардаги қиймати;

k_{i1} – ҳисобот даврида етиштирилган i -турдаги маҳсулотнинг физик ҳажми;

p_{i0} – i -турдаги маҳсулотнинг ўтган йилнинг ҳисобот давридаги ўртача сотиш нархи, яъни таққослама нарх.

36. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг физик ҳажми индекси (ФҲИ) ҳисобот давридаги маҳсулотлар ҳажмининг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан таққослама нархлардаги ўзгариши суръатини ўзида ифодалайди.

Физик ҳажм индекси (ФҲИ) соҳада таққосланаётган даврларда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришини тавсифловчи нисбий кўрсаткич ҳисобланади. У маҳсулотларнинг физик ҳажми динамикасини таҳлил қилишда фойдаланилади.

37. Таққослама нарх сифатида ўтган йилнинг мос давридаги жорий нархлар қабул қилинади. Физик ҳажм индексини тузишдан асосий мақсад, маҳсулот етиштириш даражасидаги нисбий ўзгаришларни объектив акс эттирадиган умумий индексни ишлаб чиқишдан иборат. Бундай умумий индекс Пааше индекси ҳисобланади.

$$I_q = \frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0},$$

бу ерда, I_q – маҳсулот етиштириш физик ҳажми индекси;

q_1 – ҳисобот давридаги маҳсулот етиштириш физик ҳажми;

q_0 – базис даврдаги маҳсулот етиштириш физик ҳажми;

p_0 – базис даврдаги нарх.

38. Ҳар бир маҳсулот тури бўйича физик ҳажм индивидуал индекси ва деҳқончилик, чорвачилик ва бутун қишлоқ хўжалиги бўйича умумий индекс ҳисобланади.

39. Физик ҳажм индивидуал индексини ҳисоблаш учун ҳисобот даврида етиштирилган ҳар бир турдаги маҳсулотлар таққослама нархларда баҳоланади.

40. Физик ҳажм умумий индексини ҳисоблаш учун тегишли маҳсулотлар қиймати жамланади. Жорий даврда олинган қиймат агрегати (жамланма қиймат) базис давр қиймат агрегатига бўлинади ва 100 га кўпайтирилади.

41. Етиштирилган бошқа турдаги маҳсулотлар ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмаган бошқа турдаги маҳсулотлар қийматини таққослама нархларда қайта ҳисоблашда, ҳар-бир асосий турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари бўйича алоҳида ҳисобланган физик ҳажми ўзгаришининг худди шундай индекси қўлланилади.

42. Деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларининг таққослама нархлардаги қийматининг ўзгариши ўтган йилда кўрсатилган қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг экин майдонларига ва маҳсулотлар бирлигига бўлган жорий харажатларнинг ўртача даражасидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

43. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлар ва ов хўжалиги маҳсулот (хизмат)ларининг таққослама нархлардаги йиллик қийматини баҳолаш базис даврдаги маълумотларни бандлар сонининг ўзгариши индекси орқали экстраполяция қилиш йўли билан амалга оширилади. Чораклик қайта ҳисоблашда таққослама нархларнинг экстраполятори сифатида юзага келган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг физик ҳажми индекси қўлланилади.

44. Ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қийматини таққослама нархларда йиллик қайта ҳисоблашда ўрмон дарахтлари майдонининг ўзгариши индекси бўйича экстраполяция усулидан фойдаланилади. Таққослама нархларда чораклик баҳолашда таянч (базис) давридаги ҳажмларни бандлар сонининг ўзгариши индекси орқали экстраполяция қилиш йўли билан амалга оширилади.

45. Балиқ овлаш ва аквакултура соҳасида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лар қийматини таққослама нархларда йиллик ва чораклик қайта баҳолаш балиқ овлаш ҳажмининг физик индекси бўйича экстраполяция қилиш йўли билан амалга оширилади.

46. Услужий низомнинг 3-иловасида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини таққослама нархларда ҳисоблаш схемаси келтирилган.

III БОБ. ЧОРАКЛИК ВА ЙИЛЛИК ҲИСОБЛАШЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

47. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини чорақлик ҳисоблаш, ҳисобот даврида соҳадаги жорий ҳолатни дастлабки баҳолаш мақсадида ишлаб чиқилади.

Ҳисобот йили давомида ҳар чорақда дастлаб овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматларсиз 01 бўлим бўйича деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши ҳисобланади.

Шундан сўнг, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришига мос равишда овчилик хўжалиги, 02 ва 03 - ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш, балиқ овлаш ва аквакултура бўлимларлари маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши ҳажмлари бўйича ҳисобланган (баҳоланган) маълумотлар кўшилади.

48. Йиллик ҳисоблашлар асосий ҳисоблашлар бўлиб, унда мавсумийлик омиллари юмшатилади ва ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг энг юқори барқарорлигига эришилади.

49. Йил якуни бўйича йиллик якуний статистик кузатувлар маълумотларига асосланиб, тўлиқ А секция бўйича якуний ялпи ишлаб чиқариш аниқланади. Йиллик якуний ҳисоблашлар якунланганидан сўнг унга асосан чорақлик ҳисоблашларга аниқлик киритилади ва қайта ҳисобланади.

50. Йилнинг биринчи чорагида деҳқончилик соҳаси бўйича ҳисоблаш (баҳолаш) асосан ёпиқ ерлардаги тайёр маҳсулотлар, бундан ташқари кам миқдорда очик ерлардаги сабзавот экинлари, картошка, мевалар ва резаворлар бўйича амалга оширилади, деҳқончилик бўйича қолган кўрсаткичлар мазкур чорақда тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади.

51. Ҳисобот йилининг иккинчи чорагидан қишлоқ хўжалиги экинлари, мевалар, резаворлар, узум ва бошқаларнинг эрта пишар турлари ва навлари ҳосилини йиғиб олиш бошланади. Лекин, бу даврда пахта хом-ашёси, шоли ва айрим кечпишар қишлоқ хўжалиги экинлари, мевалар, резаворлар ва узум турлари ва навлари тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади.

52. Ҳисобот йилининг учинчи чораги аксарият қишлоқ хўжалиги экинлари, мевалар, резаворлар, узум ва бошқаларнинг ҳосили ёппасига йиғиб

олинадиган давр ҳисобланади. Лекин, бу ҳолатда ҳам айрим кечпишар кишлоқ хўжалиги экинлари, мевалар, резаворлар ва узум турлари ва навлари тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади. Бу даврда келгуси йил ҳосили учун кузги экинларнинг экилиши бошланади, улар ҳам жорий йил учун тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади.

53. Ҳисобот йилининг тўртинчи чораги охирига бориб, ёпиқ ерлардан ташқари, барча кишлоқ хўжалиги экинлари, мевалар, резаворлар, узумлар ҳосили тўлиқ йиғиб олинади. Лекин, шунингдек, келгуси йил ҳосили учун бу даврда экилган кузги экинлар жорий йил учун тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳисобланади.

54. Деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқаришни чораклар бўйича ҳисоблашда, ўтган йилнинг мос давларидаги тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг деҳқончилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши умумий қийматига нисбатан улушидан фойдаланилади.

Масалан, ўтган йилнинг биринчи чорагида деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг деҳқончилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши умумий қийматига нисбатан улуши 1,4 % ни ташкил қилади ва бунда жорий ҳисоблашлар учун 1,4 % лик коэффициент қабул қилинади. Бундай ҳисоблашлар ҳар бир чорак бўйича алоҳида амалга оширилади.

55. Бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини чораклик ҳисоблашда уларнинг ҳар бир чорак бўйича алоҳида йиллик ҳисоблашдаги умумий деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши қийматига бўлган ўртача нисбатидан фойдаланилади.

Ҳисоблаш деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматларини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари қийматлари аниқланганидан кейин ушбу формула бўйича амалга оширилади:

$$S_{i \text{ бошқ.}} = \frac{d_{\text{йил}} \times V_{1(\text{чорак})}}{1,0 - d_{\text{йил}}},$$

бу ерда, $S_{i \text{ бошқ.}}$ – i -турдаги бошқа маҳсулотнинг ҳисобот давридаги қиймати;

$d_{\text{йил}}$ – йиллик ҳисоблашдаги i -турдаги бошқа маҳсулот қийматининг етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг умумий ҳажми қийматидаги ўртача улуши (%);

$V_{1(\text{чорак})}$ – жорий йилнинг ҳисобот даврида етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жорий нархлардаги қиймати.

Шунингдек, шу йўл билан ва юқорида келтирилган формуладан фойдаланиб, ҳар чоракда деҳқончилик ва чорвачилик соҳасида кўрсатилган хизматлар қийматлари ҳам ҳисобланади.

56. Етиштирилган пилла ҳажмлари ва қийматларини шакллантиришда тегишли давлат статистика кузатуви маълумотларидан фойдаланилади (VII БОБ).

57. Етиштирилган дон экинлари ҳажмлари ва қийматларини шакллантириш бўйича ахборот манбалари бўлиб, тегишли давлат статистика кузатуви маълумотлари хизмат қилади (VII БОБ).

Етиштирилган дон экинларининг қийматини ҳисоблашда ишлаб чиқарувчилар нархларидан фойдаланилади. Ҳисоблашлар тайёрланган ва етиштирилган дон экинлари ҳажмлари бўйича алоҳида амалга оширилади.

58. Етиштирилган пахта хом-ашёси ҳажмлари ва қийматларини шакллантириш бўйича ахборотлар манбаи бўлиб, тегишли давлат статистика кузатуви маълумотлари ҳисобланади (VII БОБ).

59. Бошқа ҳолларда етиштирилган маҳсулотлар қиймати 5-бозор нархлари бланкаси “Деҳқон бозорларида нархларни рўйхатга олиш бланкаси” статистик сўровнома шакли маълумотлари асосида шакллантирилади (VII БОБ).

60. Чораклик кузатувларда дон, техник, сабзавот, полиз экинлари, мевалар, резаворлар, гўшт тирик вазнда ва бошқа маҳсулотларнинг турлари бўйича кўрсаткичлар мавжуд эмас. Бундай ҳолларда, йиллик ҳисоблашдаги ушбу маҳсулотларнинг турлари бўйича уларнинг умумий ҳажмига нисбатан улушидан чораклик ҳисоблашларда фойдаланилади. Сабзавот экинлари мисолида ҳисоблаш мазкур низомнинг 5-илоvasида келтирилган.

61. Ҳисоблашда, уларнинг ҳажмларидан фойдаланиладиган айрим кўрсаткичлар қишлоқ хўжалиги бўйича давлат статистика ҳисоботларида ўз аксини топмаган. Масалан, пилла қуртини озиклантириш учун тут барги, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларидан гўнг ва ахлат, пат, пар, асалари муми, гул чанги, она асалари сути, прополис, асалари захари ва бошқалар чиқими. Ҳисоблашлар учун уларнинг тахминий меъёрий чиқимлари 6-иловада келтирилган.

IV БОБ. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ МАВСУМИЙЛИГИ

62. Табиий омиллар–иқтисодий жараёнларнинг мавсумий даврлари шаклланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мавсумий динамикани шакллантиришда об-ҳаво омилнинг тутган ўрни биологик маромларга боғлиқ.

63. Иқлим шароитининг мавсумий алмашинуви–мавсумий тавсифларнинг муҳим сабабларидан бири ҳисобланиб, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида содир бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар муқаррар равишда иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида тегишли ўзгаришларга олиб келади.

64. Ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларига хосдир, аммо аграр секторда тўла қувват билан намоён бўлади ва шунинг учун у иқтисодиётнинг аксарият соҳаларидаги мавсумийликка сабаб бўлади.

65. Ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар динамикасини аниқлашда мавсумий омилларни ҳисобга олиш иқтисодий сиёсатни амалга ошириш, иқтисодий циклни таҳлил қилиш, моделлаштириш учун зарур, бунда қишлоқ хўжалиги статистикаси маълумотлари муҳим восита ҳисобланади.

66. Аграр секторда ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги – йил давомида ишлаб чиқаришнинг мавсум билан боғлиқ бўлган нотекислиги, йилнинг маълум даврларида ишлаб чиқаришнинг ўсиши, қисқариши ёки тўлиқ тўхташида ифодаланади ва қуйидаги омиллар таъсирида юзага келади:

- ишлаб чиқариш циклининг узоқ давомийлиги;
- маблағлар айланмасининг секинлашуви;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўплиги;
- қўйилма маблағларнинг узоқ муддатда қопланиши;
- сотишдан тушган тушумнинг йил давомидаги нотекислиги;
- даромад ва харажатлар оқимининг мос келмаслиги;
- ишлаб чиқариш даврининг иш даври билан мос келмаслиги;
- йил давомида ресурслардан нотекис фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришнинг табиий иқлим шароитига узвий боғлиқлиги;
- ишлаб чиқариш циклининг йил мавсумларига боғлиқлиги;
- иш даври ва ишлаб чиқариш даври ўртасидаги узилиш ва бошқалар.

67. Аграр секторда мавсумийлик омиллари қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини дискрет чораклар асосида ҳисоблашда ёрқин ифодаланади.

Аграр ишлаб чиқаришдаги мавсумийлик омилларини ўрганиш қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида дискрет асосда ишлаб чиқилган статистик кўрсаткичларнинг мавсумий юмшатилишини ўтказиш учун алгоритминини тасвирлаб беришдан иборат.

V БОБ. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТ (ХИЗМАТ)ЛАРИ ЯЛПИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ДИСКРЕТ ЧОРАКЛАР АСОСИДА ҲИСОБЛАШ

68. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини йил бошидан ўсиб боровчи якунда ҳисоблашдан ташқари, уларни дискрет чораклар асосида ҳисоблаш ҳам амалга оширилади.

69. Дискрет чораклар асосида ҳисоблаш натижасида олинган маълумотлар чораклар бўйича динамик қатордаги ҳар бир чоракни ўтган чорак, ўтган йилнинг мос чораги ва ҳар қандай бошқа чорак билан таққослаш имконини беради.

70. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини дискрет ёки соф чораклар асосида ҳисоблашда I чорак январь-март, II-апрель-июнь, III-июль-сентябрь ва IV-октябрь-декабрь ойлари қамраб олади. I чорак ёки январь-март учун давр йил бошидан ўсиб боровчи ва дискрет чорак ҳисобланади.

71. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини дискрет чораклар асосида ҳисоблаш принциплари йил бошидан ўсиб боровчи якунда ҳисоблаш усулидан деярли фарқ қилмайди.

72. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини дискрет чораклар асосида ҳисоблаш учун барча бирламчи ахборотлар дискрет, яъни соф чораклар бўйича шакллантирилади (1, 2, 3, 4 ва 7-иловалар).

Масалан, вилоят бўйича январь-март ойларида ёки I чоракда тирик вазнда 100 тонна, апрель-июнь ёки II чоракда 130 тонна, июль-сентябрь ёки III чоракда 150 тонна, октябрь-декабрь ёки IV чоракда 120 тонна гўшт етиштирилган. Бунда йил давомида, яъни январь-декабрь ойлари учун гўшт етиштириш ҳажми дискрет чораклар йиғиндиси сифатида ҳисобланади ёки

йил давомида тирик вазнда 500 тонна гўшт етиштирилган деб қабул қилинади (7-илова).

73. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблаш дискрет чораклар асосида ва йиллик асосда йил бошидан ўсиб боровчи якунда жорий ва таққослама нархларда амалга оширилади (2 ва 3-иловалар).

74. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини жорий нархларда ҳисоблашда кўриб чиқиладиган даврдаги дискрет чораклар бўйича амалдаги нархлардан фойдаланилади.

75. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини таққослама нархларда ҳисоблашда кўриб чиқиладиган даврдаги дискрет чораклар бўйича ўтган йилнинг амалдаги нархларидан фойдаланилади.

76. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини дискрет чораклар асосида ҳисоблашда ахборотлар манбаи бўлиб, VII БОБда келтирилган манбалар хизмат қилади.

VI БОБ. ЧОРАКЛИК ҲИСОБЛАНГАН ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ҲАЖМЛАРИ ВА ИНДЕКСЛАРИГА ТУЗАТИШЛАР КИРИТИШ

77. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўрсаткичлари оқимли кўрсаткичлар қаторига киради. Бундай юқори частотали кўрсаткичларнинг динамикаси календарь ва мавсумий омиллар таъсирига учраган бўлади. Иқтисодий динамикаларнинг ўзгаришларини стандарт усулларга мувофиқ таҳлил қилишда календарь ва мавсумий тебранишларга ахборотга эга бўлмаган кўрсаткичлар сифатида қаралади ва улар таҳлил қилинадиган вақтинчалик қаторлардан олиб ташланиши зарур. Шу мақсадда вақтинчалик қаторларга календарь ва мавсумий тузатишлар киритиш қабул қилинган.

78. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотларининг чораклик ҳажмлари ва индекслари ҳисоб китобларига тузатишлар киритиш ҳисобот йили учун якуний ҳисоб-китоблари олинганидан сўнг амалга оширилади.

VII БОБ. АХБОРОТ ТАЪМИНОТИ

79. Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқаришини ҳисоблашда зарур бўладиган ахборотлар манбалари бўлиб қуйидаги давлат статистика кузатувлари шакллари маълумотлари хизмат қилади,

- 2-фх шакли “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 2-дх шакли “Дехқон хўжаликлари фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 4-қх (ташкилот) шакли “Қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 3-пилла шакли “Пилла хариди тўғрисида ҳисобот”;
- 3-дон шакли “Дон экинларини тайёрлаш тўғрисида ҳисобот”;
- 3-пахта шакли “Пахта хом-ашёсини тайёрлаш тўғрисида ҳисобот”;
- 2-фх “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида саволнома”;
- 2-дх “Дехқон хўжалиги фаолияти тўғрисида сўровнома”;
- 1-фх шакли “Фермер хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 1-қх (ташкилот) шакли “Қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 1-кб (қх) (1-кб шаклига илова) “Микрофирма ва кичик корхонанинг қишлоқ хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 1-ох (овчилик) шакли “Овчилик хўжалиги фаолияти тўғрисида ҳисобот”;
- 1- о‘х (ўрмон) шакли “Ўрмон парвариши ишларини ўтказиш тўғрисида ҳисобот”;
- 5-бозор нархлари бланкаси “Дехқон бозорларида нархларни рўйхатга олиш бланкаси”;
- тармоқ бошқармаларининг тегишли маълумотлари;
- маъмурий манбалар маълумотлари, яъни, давлат бюджетини бажариш тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари, вазирлик ва идоралар маълумотлари.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб
чиқаришини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга 1-илова

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг физик ҳажмини шакллантириш

Т/р.	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Фермер хўжаликлари	Дехқон ва томорқа хўжаликлари	Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	Барча тоифадаги хўжаликлар
А	Б	В	1	2	3	4 (1+2+3)
II чорак (январь-июнь) ёки II чорак (апрель-июнь)						
	Дехқончилик					
101	Дон экинлари	тонна				
102	Пахта хом-ашёси	тонна				
103	Картошка	тонна				
104	Сабзавот экинлари	тонна				
105	Полиз экинлари	тонна				
106	Мевалар ва резаворлар	тонна				
107	Ўзум	тонна				
...						
...						
N						
	Чорвачилик					
108	Гўшт, тирик вазнда	тонна				
109	Сут	тонна				
110	Тухум	минг дона				
111	Жун	тонна				
112	Қорақўл тери	минг дона				
113	Табиий асал	тонна				
114	Балиқ	тонна				
115	Пилла	тонна				
...						
...						
N						

Изоҳ:

1. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми I (январь-март), II (январь-июнь), III (январь-сентябрь), IV (январь-декабрь) чораклар учун алоҳида йил бошидан ўсиб боровчи якунда шакллантирилади.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми I (январь-март), II (апрель-июнь), III (июль-сентябрь), IV (октябрь-декабрь) чораклар учун алоҳида дискрет чораклар асосида шакллантирилади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб
чиқаришини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга 2-илова

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари
ялпи ишлаб чиқаришини жорий нархларда ҳисоблаш схемаси**

Т.р.	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ўртача йиллик (ҳисобот давридаги ўртача) нарх, сўм, p_1	Маҳсулотларнинг физик ҳажми, q_1	Жорий нархлардаги қиймати, минг сўм, $q_1 p_1$
А	Б	В	1	2	3 (1 × 2)
201	Дон экинлари	тонна			
202	Пахта хом-ашёси	тонна			
203	Картошка	тонна			
204	Сабзавот экинлари	тонна			
205	Полиз экинлари	тонна			
206	Мевалар ва резаворлар	тонна			
207	Ўзум	тонна			
208	Деҳқончиликнинг бошқа маҳсулотлари	минг сўм			
I	Деҳқончилик маҳсулотларининг қиймати (201 дан 208 гача сатрларнинг йиғиндиси)	минг сўм	x	x	
209	Гўшт, тирик вазнда	тонна			
210	Сут	тонна			
211	Тухум	минг дона			
212	Жун	тонна			
213	Қорақўл тери	минг дона			
214	Табиий асал	тонна			
215	Пилла	тонна			
216	Чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари	Минг сўм	x	x	
II	Чорвачилик маҳсулотларининг қиймати (209дан 216 гача сатрларнинг йиғиндиси)	минг сўм	x	x	

Т.р.	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ўртача йиллик (ҳисобот давридаги ўртача) нарх, сўм, p_1	Маҳсулотларнинг физик ҳажми, q_1	Жорий нархлардаги қиймати, минг сўм, $q_1 p_1$
A	B	B	1	2	3 (1 × 2)
III	Деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари	минг сўм	x	x	
IV	Деҳқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматларнинг қиймати	минг сўм	x	x	
V	Деҳқончилик ва чорвачиликда маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши (сатрлар: I + II + III + IV)	минг сўм	x	x	
VI	Овчилик хўжаликларида етиштирилган маҳсулот (хизмат)лари қийматлари	минг сўм	x	x	
VII	A секция 01 бўлим - Деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариши (сатрлар: V + VI)	минг сўм	x	x	
VIII	A секция 02 бўлим - Ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларнинг қийматлари	минг сўм	x	x	
IX	A секция 03 бўлим - Балиқ овлаш ва аквакултура соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лари қийматлари	минг сўм	x	x	
X	A секция - Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши (сатрлар: VII + VIII + IX)	минг сўм	x	x	

Изоҳ:

1. Ҳисоблаш схемаси фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва барча тоифадаги хўжаликлар бўйича I (январь-март), II (январь-июнь), III (январь-сентябрь), IV (январь-декабрь) чораклар учун алоҳида йил бошидан ўсиб боровчи якунда шакллантирилади.
2. Ҳисоблаш схемаси фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва барча тоифадаги хўжаликлар бўйича I (январь-март), II (апрель-июнь), III (июль-сентябрь), IV (октябрь-декабрь) чораклар учун алоҳида дискрет чораклар асосида шакллантирилади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб
чиқаришини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга 3-илова

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари
ялпи ишлаб чиқаришини таққослама нархларда ҳисоблаш схемаси

Т.р.	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ўтган йилнинг мос даври нархида					
			Таққослама нарх, сўм, p_0	Ўтган йил		Жорий йил		Физик ҳажми индекси (ФХИ), % $\frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$
				Маҳсулот- ларнинг физик ҳажми, q_0	Қиймати, $q_0 p_0$	Маҳсулот- ларнинг физик ҳажми, q_1	Қиймати, $q_1 p_0$	
А	Б	В	1	2	3(1 × 2)	4	5 (1 × 4)	6 (5 / 3 × 100)
301	Дон экинлари	тонна						
302	Пахта хом-ашёси	тонна						
303	Картошка	тонна						
304	Сабзавот экинлари	тонна						
305	Полиз экинлари	тонна						
306	Мевалар ва резаворлар	тонна						
307	Ўзум	тонна						
308	Дехқончиликнинг бошқа маҳсулотлари	минг сўм						
I	Дехқончилик маҳсулотларининг қиймати (301 дан 308 гача сатрларнинг йиғиндиси)	минг сўм	x	x		x		
309	Гўшт тирик вазнда	тонна						
310	Сут	тонна						
311	Тухум	минг дона						
312	Жун	тонна						
313	Қорақўл тери	минг дона						
314	Табиий асал	тонна						

Т.р.	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Ўтган йилнинг мос даври нархида					
			Такқослама нарх, сўм, p_0	Ўтган йил		Жорий йил		Физик ҳажми индекси (ФХИ), % $\frac{\sum q_1 p_0}{\sum q_0 p_0}$
				Маҳсулот- ларнинг физик ҳажми, q_0	Қиймати, $q_0 p_0$	Маҳсулот- ларнинг физик ҳажми, q_1	Қиймати, $q_1 p_0$	
А	Б	В	1	2	3(1 × 2)	4	5 (1 × 4)	6 (5 / 3 × 100)
315	Пилла	тонна						
316	Чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари	минг сўм						
II	Чорвачилик маҳсулотларининг қиймати (309дан 316гача сатрларнинг йиғиндиси)	минг сўм	x	x		x		
III	Дехқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматлари	минг сўм	x	x		x		
IV	Дехқончилик ва чорвачилик соҳасидаги хизматларнинг қиймати	минг сўм	x	x		x		
V	Дехқончилик ва чорвачиликда маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши (сатрлар: I + II + III + IV)	минг сўм	x	x		x		
VI	Овчилик хўжаликларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лари қийматлари	минг сўм	x	x		x		
VII	А секция 01 бўлим - Дехқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариши (сатрлар: V + VI)	минг сўм	x	x		x		
VIII	А секция 02 бўлим - Ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)ларнинг қийматлари	минг сўм	x	x		x		
IX	А секция 03 бўлим - Балиқ овлаш ва аквакултура соҳасида ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат)лари қийматлари	минг сўм	x	x		x		
X	А секция - Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб чиқариши (сатрлар: VII + VIII + IX)	минг сўм	x	x		x		

Изоҳ:

1. Ҳисоблаш схемаси фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва барча тоифадаги хўжаликлар бўйича I (январь-март), II (январь-июнь), III (январь-сентябрь), IV (январь-декабрь) чораклар учун алоҳида йил бошидан ўсиб боровчи якунда шакллантирилади.
2. Ҳисоблаш схемаси фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва барча тоифадаги хўжаликлар бўйича I (январь-март), II (апрель-июнь), III (июль-сентябрь), IV (октябрь-декабрь) чораклар учун алоҳида дискрет чораклар асосида шакллантирилади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб
чиқаришини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга 4-илова

**Асосий турдаги маҳсулотлар гуруҳига киритилмаган
бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари рўйхати**

Сатр коди	Маҳсулотлар номи	Микдори (тонна, дона)	Қиймати, минг сўм
А	Б	1	2
1. Дехқончилик:			
401	шоли қўчатлари		
402	каноп пояси		
403	зиғир пояси		
404	шакар қамиш		
405	қанд лавлаги		
406	супурги жўхори		
407	тамаки		
408	дон учун кунгабоқар		
409	зиғир уруғи		
410	соя		
411	рапс		
412	кунжут		
413	махсар		
414	ерёнғоқ		
415	уруғлик пахта чигити		
416	пахта чигити, уруғликдан ташқари		
417	ғўзапоя		
418	хантал		
419	кўкнор		
420	каноп уруғи		
421	тут барглари		
422	ишлов берилмаган қалампир		
423	куритилган, ишлов берилмаган аччиқ ва ширин бутун қалампир		
424	ишлов берилмаган мускат ёнғоғи, матсис ва кардамон		
425	ишлов берилмаган арпабодиён, бодиён, кашнич, кмин, седана, зираларнинг уруғлари ва арча меваси		
426	ишлов берилмаган долчин (долчин дарахтининг пўстлоғи ва гуллари)		
427	ишлов берилмаган қалампирмунчоқ (бутун пояси)		
428	ишлов берилмаган ванил		
429	ишлов берилмаган бошқа зираворлар		

Сатр коди	Маҳсулотлар номи	Микдори (тонна, дона)	Қиймати, минг сўм
А	Б	1	2
430	кулмоқ (хмел) ғуддаси		
431	стевия		
432	бошқа зиравор ва доривор экинлар		
433	маниок (кассава)		
434	сабзавот экинлари кўчатлари		
435	сабзавот экинлари уруғлари		
436	полиз экинлари кўчатлари		
437	полиз экинлари уруғлари		
438	озуқабоп илдизмевалилар ва полиз		
439	маккажўхори силос учун		
440	бир йиллик ўтлар		
441	кўп йиллик ўтлар		
442	сенаж учун экинлар		
443	дон учун йиғиб олинган дон экинлари сомони, пахоли, пояси		
444	қуритилган дуккакли ем-хашак экинлари		
445	озуқабоп лавлаги уруғи		
446	озуқа экинлари уруғлари		
447	кесиб олинган гуллар ва гул ғунчалари		
448	гул уруғлари		
449	гул кўчатлари		
450	ҳосил берадиган ёшигача кўп йиллик ёш кўчатларни ўстириш		
451	тугалланмаган ишлаб чиқариш қиймати		
452	юқоридаги рўйхатга ва асосий маҳсулотлар рўйхатига қўшилмаган бошқа деҳқончилик маҳсулотлари		
I. Деҳқончилик бўйича жами (401 дан 452 сатрлар бўйича):			
2. Чорвачилик:			
453	мўйнали ҳайвонлар–мўйна хом-ашёси, қуён терисидан ташқари, жами		
454	қуёнлар – мўйна хом-ашёси		
455	асалари оилалари		
456	асалари муми		
457	гул чанги		
458	она асалари сути		
459	прополис		
460	асалари заҳари		
461	қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларининг спермаси (маний)		
462	қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг эмбрионлари		
463	ипак қурти тухуми		

Сатр коди	Маҳсулотлар номи	Микдори (тонна, дона)	Қиймати, минг сўм
А	Б	1	2
464	пар		
465	пат		
466	қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандалари насли		
467	тирик қишлоқ хўжалик судралиб юрувчилари - илонлар		
468	тирик қишлоқ хўжалик судралиб юрувчилари - тошбақалар		
469	ҳайвонлардан олинadиган ноозуқавий маҳсулотлар (гўнг, ахлат ва бошқалар)		
II. Чорвачилик бўйича жами (453 дан 469 сатрлар бўйича):			
Қишлоқ хўжалиги бўйича жами (I + II)			
3. Балиқчилик хўжалиги:			
470	шу йиллик балиқлар		
471	бир йиллик балиқлар		
III. Балиқчилик хўжалиги бўйича жами (470+471 сатрлар):			
Қишлоқ ва балиқчилик хўжалиги бўйича жами (I + II + III)			

Изоҳ:

1. Рўйхат фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва барча тоифадаги хўжаликлар бўйича I (январь-март), II (январь-июнь), III (январь-сентябрь), IV (январь-декабрь) чораклар учун алоҳида йил бошидан ўсиб боровчи якунда шакллантирилади.

2. Рўйхат фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар ва барча тоифадаги хўжаликлар бўйича I (январь-март), II (апрель-июнь), III (июль-сентябрь), IV (октябрь-декабрь) чораклар учун алоҳида дискрет чораклар асосида шакллантирилади.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб
чиқаришини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга 5-илова

**Сабзавот экинларининг турлари бўйича чораклик ҳажмларини уларнинг
йиллик умумий ҳажмига нисбатан улуши асосида чораклик ҳисоблаш**

Мисол шартли ¹⁾

Сабзавот экинлари турлари	Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, тонна	Йиллик ҳисоблашдаги улуши, умумий ҳажмига нисбатан, %	Жорий чоракдаги ишлаб чиқариш ҳажми, тонна ²⁾	Жорий нарх, 1 кг учун сўм	Жорий нархлардаги умумий қиймати, млн. сўм
Помидор	80000	16,0	32000	8000,0	256,0
Бодринг	70000	14,0	28000	11000,0	308,0
Бақлажон	25000	5,0	10000	14000,0	140,0
Қалампир	30000	6,0	12000	18000,0	216,0
Сабзи	55000	11,0	22000	4500,0	99,0
Озиқбоп лавлаги	10000	2,0	4000	5000,0	20,0
Турп	5000	1,0	2000	3500,0	7,0
Пиёз	75000	15,0	30000	4500,0	135,0
Саримсоқ пиёз	15000	3,0	6000	23000,0	138,0
Карам	45000	9,0	18000	15000,0	270,0
Қовоқ	35000	7,0	14000	8000,0	112,0
Қовоқчалар	15000	3,0	6000	7000,0	42,0
Бошқа сабзавотлар	40000	8,0	16000	9000,0	144,0
Жами:	500000	100,0	200000,0 ³⁾	-	1887,0

Изоҳ:

- ¹⁾ жадвал бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ҳам алоҳида тузилади;
²⁾ улуши бўйича коэффициентларга мувофиқ мос равишда ҳисобланган маълумотлар;
³⁾ давлат статистика кузатувлари асосида олинган маълумотлар.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб
чиқаришини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга 6-илова

**Қишлоқ хўжалиги экинлари, ҳайвонлари, паррандалари, асаларилар ва бошқалардан
фойдаланишда чиқадиган қўшимча маҳсулотларнинг тахминий меъёрлари**

6.1. Битта ҳайвондан ўртача чиқадиган гўннинг тахминий меъёрлари

Ҳайвонлар турлари	Бир кунда, кг	Йилда, тонна
Йирик шохли қорамоллар	16 - 22	6 - 8
Чўчқалар	4 - 4,5	1,5 - 1,64
Қўйлар	3 - 4	1,1 - 1,5
Отлар	25 - 30	9 - 11
Ешаклар	10 - 15	3,6 - 5,4
Паррандалар (200 бошга ҳисобланганда)	-	1,0 - 1,3

**6.2. Битта асалари оиласидан ўртача олинадиган
қўшимча маҳсулотларнинг тахминий меъёрлари**

Қўшимча маҳсулот турлари	Ўлчов бирлиги	Битта асалари оиласидан маҳсулот чиқими
Асалари пакетлари	дона	1,5
Мум	гр.	200 - 500
Гул чанги	гр.	100 - 300
Она асалари сути	гр.	80
Прополис	гр.	10
Асалари захари	гр.	50 - 100

6.3. Похол ва чори, бошоқли дон ишлаб чиқариш ҳажмидан 100 %.

6.4. Ғўзапоя, 1 гектар ғўза экилган майдондан 10 - 15 тонна.

6.5. Тут барги чиқими – ишлаб чиқарилган пилла микдорини 20 коэффициентига кўпайтириш йўли билан ҳисобланади (пилла қўртини ўстиришда 1 кг пилла учун 20 кг тут барги сарфланади).

6.6. Пилла қўрти тухуми (грена) чиқими – 1 коробка ҳисобига = 19 - 29 гр.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги
маҳсулот (хизмат)лари ялпи ишлаб
чиқаришини ҳисоблаш бўйича
Услубий низомга 7-илова

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва қийматларини
Дискрет чораклар асосида шакллантириш**
(тирик вазндаги гўшт асосида)

Мисол шартли

Даврлар	Сатр коди	Фермер хўжаликлари		Дехқон ва томорқа хўжаликлари		Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар		Барча тоифадаги хўжаликлар	
		ҳажми, тонна	қиймати, млн. сўм	ҳажми, тонна	қиймати, млн. сўм	ҳажми, тонна	қиймати, млн. сўм	ҳажми, тонна	қиймати, млн. сўм
А	Б	1	2	3	4	5	6	7 (1+3+5)	8 (2+4+6)
I чорак (январь - март)	701	30	102600	50	171000	20	68400	100	342000
II чорак (апрель - июнь)	702	40	140400	60	210600	30	105300	130	456300
III чорак (июль - сентябрь)	703	45	159750	80	284000	25	88750	150	532500
IV чорак (октябрь-декабрь)	704	32	113920	63	224280	25	89000	120	427200
Йиллик (январь–декабрь)	705 (701+702+ 703+704)	147	516670	253	889880	100	351450	500	1758000

Изоҳ: Ҳисоблаш жадвали деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳар бир турдаги маҳсулоти бўйича алоҳида шакллантирилади.